



ROME DECLARATION AND ITS IMPORTANCE IN ENSURING FOOD SAFETY

Ural Khudaykulov

Associate Professor

Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Rome Declaration, Food Security, World Food, FAO World Summit, (KES). KES indicators according to FAO methods are food, material supply of food, food products.

Received: 26.12.24

Accepted: 28.12.24

Published: 30.12.24

Abstract: The need to consider and address food security not only at the global level, but also at the national, regional and individual levels, the FAO World Summit, the Rome Declaration on ensuring food security, taking into account the scientific developments of that time. The adoption of the World Food Summit Declaration and the Action Plan for its implementation. The need to establish continuous monitoring activities to fulfill and implement obligations to ensure food security. The urgent issue of conducting scientific research on its issues

ОЗИҚ- ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА РИМ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Урал Худайкулов

Доцент

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Рим декларацияси, озиқ-овқат хавфсизлиги, Жаҳон озиқ-овқат, ФАОнинг умумжаҳон саммити, (КЭС). ФАО услубларига кўра КЭС кўрсаткичи озиқ-овқат, озиқ-овқатнинг моддий таъминоти, озиқ-овқат маҳсулотлари.

Аннотация: Озиқ-овқат хавфсизлигини нафақат глобал даражада, балки миллий, минтақавий ва шахсий даражаларда ҳам кўриб чиқиши ва ҳал этилиши зарурати, ФАОнинг умумжаҳон саммити, Рим декларациясида ўша даврнинг илмий ривожланишини инобатга олган ҳолда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш. бутунжаҳон озиқ-овқат саммити декларацияси ва уни амалга ошириш бўйича ҳаракат режаси қабул қилиниши. Озиқ-овқат хавфсизлигини

таъминлаш бўйича мажбуриятларни бажариш ва амалга ошириш учун доимий равишда мониторинг фаолиятини йўлга қўйиш зарурлиги белгиланиши. унинг муммаларни илмий изланишлар олиб бориш долзарб масаласи.

РИМСКАЯ ДЕКЛАРАЦИЯ И ЕЕ ЗНАЧЕНИЕ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Урал Худайкулов

Доцент

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Римская декларация,	Аннотация:	Необходимость
продовольственная безопасность, Всемирный продовольственный саммит, ФАО, (FWS). Согласно методике ФАО, индикатор KES — это продовольствие, продовольственное снабжение и продукты питания.	рассмотрения и решения вопросов продовольственной безопасности не только на глобальном уровне, но и на национальном, региональном и индивидуальном уровнях была подчеркнута на Всемирном саммите ФАО, в Римской декларации об обеспечении продовольственной безопасности, принимая во внимание научные разработки в этой области. время. Принятие Декларации Всемирного продовольственного саммита и Плана действий по ее реализации. Необходимо организовать постоянный мониторинг для обеспечения выполнения и соблюдения обязательств по безопасности пищевых продуктов. Необходимо срочно провести научное исследование мумий.		

Кириш: Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тизими ижтимоий-иқтисодий вазият, табиий-иқтисодий салоҳият, мамлакат ва алоҳида минтақалар аҳолисининг тўлов қобиляти, миллий бозорнинг импортга қарамлик даражаси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ер ресурсларидан оқилон фойдаланиш, агросаноат мажмуасининг ривожланиши каби бевосита таъсир этувчи жараёнлар билан узвий боғлиқ. Шу жиҳатдан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш миллий сиёсатда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлиш билан бирга иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик ҳамда давлат мустақиллигининг асосий шартларидан биридир. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган халқаро эксперт тадқиқотлари жаҳонда ва унинг айрим минтақаларида ушбу муаммо билан боғлиқ мураккаб вазият юзага келаётгани жиддий

ташвиш ва хавотир уйғотаётганини кўрсатмоқда. Бугунги кунда мазкур муаммо жаҳон ҳамжамияти учун ўта долзарб ва жиддий таҳдидлар қаторига киритилмоқда” [1]. Шунинг таъкидлаб ўтиш лозимки, 1990-2002 йиллар даврида озиқ-овқат хавфсизлигини нафақат глобал даражада, балки миллий, минтақавий ва шахсий даражаларда ҳам кўриб чиқиши ва ҳал этилиши зарурати 1996 ва 2002 йилларда ўтказилган ФАОнинг умумжаҳон саммитини ўз ичига олади. 1996 йилдаги саммитда бутун жаҳон озиқ-овқат хавфсизлигининг Рим декларацияси қабул қилинди. Рим декларациясида ўша даврнинг илмий ривожланишини инобатга олган ҳолда озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчасига янги таъриф берилди. Бунда “озиқ-овқат хавфсизлиги барча одамлар ўз озиқланиш эҳтиёжлари ва шахсий ҳоҳишларига биноан ҳамда фаол ва соғлом ҳаётни таъминлаш учун етарли миқдорда хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига жисмоний ва иқтисодий жиҳатдан эга бўла олиши” белгиланди. Биринчи марта озиқ-овқат етишмаслигининг сабаблари бўлган иқтисодий, ижтимоий, табиий ва иқлимий жиҳатларга боғлиқ бошқа муаммолар билан бирга қашшоқлик муаммоси ҳам кўтарилди. Бундан ташқари, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал қилиш бутун дунё ҳамжамиятининг ягона мақсадга бирлашиши, яъни сайёрадаги ҳар бир инсонни озиқ-овқат билан таъминлаш комплекс ёндашувни ва мувофиқлаштирилган ҳаракатларни талаб этади, деган хулосага келинди. 2015-йилда дунёда оч одамларнинг сонини 2 мартагача қисқартириш бўйича мажбурият қабул қилинди. 2002 йилги жаҳон озиқ-овқат саммитида 179 давлатнинг (73 таси ҳукумат раҳбарлари) барча иштирокчилари 1996 йилги Рим декларацияси доирасида ўз мажбуриятларини бажаришга содиқлигини яна бир бор тасдиқладилар, шу жумладан, 2015 йилгача дунёдаги оч одамларнинг сонини қисқартириш барча даражаларда озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг пойдевори сифатида ҳам таъкидланди. Бунда озиқ-овқат хавфсизлиги таърифига жисмоний ва иқтисодий имкониятдан ташқари ижтимоий имконият тушунчаси ҳам қўшилди: “Барча одамлар ўз озиқланиш эҳтиёжлари ва шахсий ҳоҳишларига биноан ҳамда фаол ва соғлом ҳаётни таъминлаш учун етарли миқдорда хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиши учун жисмоний, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлари мавжудлигидир”. Шунингдек, бутунжаҳон озиқ-овқат саммити декларацияси ва уни амалга ошириш бўйича ҳаракат режаси қабул қилинди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятларни бажариш ва амалга ошириш учун доимий равишда мониторинг фаолиятини йўлга қўйиш зарурлиги белгиланди. Ушбу ёндашув ФАО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг очиқ маълумотлар базаси шаклланиши ва дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги нуктаи назаридан ишончли маълумотларни олиш имконини берди[2]. 1996 ва 2001 йилги Рим декларацияси қоида ва мажбуриятларни бажаришга қаратилган бўлиб, озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларини бошқаришнинг янгича

шакли намоён бўлди. Бунга 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабаб бўлди ва 2009 йил Римда умумжаҳон саммити ўтказилди. Ушбу саммитда 50 та давлат раҳбарлари ва 180 дан ортиқ вазирлар иштирок этди. Озиқ-овқат хавфсизлигини икки ёқлама ёндашув асосида кўриб чиқилиши жорий этилди: 1) зудлик билан кўриладиган чоралар;

2) ўрта ва узоқ муддатли режалаштиришни кўшиб олиб бориш.

Ушбу саммит декларациясида озиқ-овқат хавфсизлигига янги таъриф берилди. Озиқ-овқат хавфсизлиги – барча инсонлар фаол ва соғлом ҳаёт кечириш учун ўзларининг зарур диета эҳтиёжлари ва дидларига мос хавфсиз ва қимматли озиқ-овқатга етарли миқдорда ҳар доим эга бўлишнинг жисмоний, ижтимоий ва иқтисодий имкониятларидир. Бунда озиқ-овқат хавфсизлиги концепцияси жиддий ўзгаришларга учрамади ва фақатгина “қимматли озиқ-овқат” жиҳатлари билан тўлдирилди. Умуман олганда, кишилиқ жамияти тараққиётининг сўнгги 25 йиллик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1990-2015 йиллар давомида дунё бўйича ўта қашшоқлик даражасидаги аҳоли сони 2,3 мартага, ривожланаётган мамлакатларда тўйиб овқатланмайдиган аҳоли қатлами 2 мартадан ортиққа камайган ёки ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг қатор жабҳаларида кўплаб ижобий ривожланиш натижаларини кузатиш мумкин. Лекин гарчи бу каби натижалар қанчалик ижобий тавсифга эга бўлмасин, жаҳон аҳолисининг барқарор озиқ-овқат таъминоти тўлақонли ўз ечимини топа олгани йўқ [3].

Манбалар шаҳри. Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг асосий мақсади ички ва ташқи салбий таъсирга боғлиқ бўлмаган ҳолда қайта ишловчи корхоналарни хомашё, аҳолини- озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдир. У ҳатто валютанинг етишмаслиги, четдан маҳсулотларни олиб киришда эмбарго (бошқа мамлакатлар томонидан тўсиқлар қўйиш) нархларнинг ўсишига боғлиқ бўлмаган бўлиши керак. Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг муҳим шартлари.

Биринчидан, ҳар бир инсон учун озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли бўлиши (етарли миқдорда унинг таклифи);

Иккинчидан, аҳоли барча итимоий тоифалари, шу жумладан кам таминланган аҳоли томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишнинг иқтисодий жиҳатдан имконияти (истеъмолчилик талабининг тўлов қобилияти);

Учунчидан, меъёردа овқатланиш учун юқори сифатли маҳсулотларни истеъмол қилишнинг етарли миқдорда бўлиши.

Тадқиқот методологияси. Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси биринчи бор 1974 йилда Жаҳон озиқ-овқат саммитида таклиф қилинган бўлиб, “озиқ-овқат истеъмолининг барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми ва нархларнинг

Ўзгаришларини қоплаш учун асосий озиқ-овқатларнинг дунёда етарли жамғармалари ҳар доим мавжудлигини” англатади. Кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва тўйимлилиги ҳамда шахсий ҳоҳишларни ҳам инобатга олиш мақсадида озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси кенгайтирилди. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида мавжуд замонавий адабиётда жуда кўп тушунча ва кўрсаткичлар мавжуд. Озиқ-овқат хавфсизлигига оид кўп тушунчалар ва кўрсаткичлар мавжудлигига қарамай, мазкур ғоянинг ўта муҳимлигини ҳамма эътироф этган. 1996 йилда Жаҳон Озиқ-овқат хавфсизлиги саммити озиқ-овқат хавфсизлигини шарт сифатида белгилади: “...барча одамлар ўз озиқланиш эҳтиёжлари ва шахсий ҳоҳишларига биноан ҳамда фаол ва соғлом ҳаётни таъминлаш учун етарли миқдорда хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига етарли ва иқтисодий жиҳатдан эга бўла олиши”. 2001 йилда озиқ-овқат хавфсизлиги ғоясига моддий ва иқтисодий имкониятдан ташқари ижтимоий имконият тушунчаси ҳам қўшилди. Ҳозирги ФАО белгилаган тушунча мазкур қўшимча жиҳатни қуйидагича акс эттиради: “барча одамлар ўз озиқланиш эҳтиёжлари ва шахсий ҳоҳишларига биноан ҳамда фаол ва соғлом ҳаётни таъминлаш учун етарли миқдорда хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиши учун жисмонан, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлари мавжудлиги озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланди деганидир” . ФАО мутахассислари фикрига кўра озиқ-овқат хавфсизлиги жиҳатидан ҳолат озиқ-овқат хавфсизлиги омиллари, кўрсаткичлари, таъминот барқарорлиги, эга бўлиш имконияти ва соғломлиги билан белгиланади. Улар қуйида батафсил белгиланган. Барқарорлик: озиқ-овқат таъминоти узилмаслиги учун аҳоли, оила ёки алоҳида аҳс ҳар доим озиқ-овқатга эга бўла олиши лозим. Улар кутилмаган ҳодисалар (масалан, иқтисодий ёки иқлимий бўҳрон) ёки циклик ҳодисалар (масалан, иқлимий озиқ-овқат танқислиги) туфайли озиқ-овқатдан узилиб қолмаслиги лозим. Тадқиқот таҳлили ва натижалари. Озиқ-овқат мавжудлиги: зарур сифатли озиқ-овқат маҳсулотларининг зарур миқдорда ички ишлаб чиқариш ёки импорт орқали (шу қатори озиқавий кўмак) таъминоти. Озиқ-овқат мавжудлигининг энг кўп қўлланилувчи воситаси калорияларда ҳисобланувчи жон бошига кундалик энергия сарфидир (КЭС). ФАО услубларига кўра КЭС кўрсаткичи озиқ-овқат балансига асосланган озиқа истеъмоли турига биноан ҳисобланади. статистик таҳлил (статистисал анализ), тизимли таҳлил, муаммовий-мақсадли ёндашув каби илмий билиш усулларидан фойдаланилди [4].

Тадқиқот таҳлили ва натижалари. Ўзбекистон ҳукумати томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) техник кўмагида ташкил этилди ва дунёнинг 32 давлатидан 620 дан ортиқ иштирокчини бирлаштирди. Озиқ-овқатга эга бўла олиш: тўйимли озиқланиш учун зарур озуқаларга эга

бўлиш мақсадида зарур ресурслардан фойдаланиш учун моддий, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлар. Озиқ-овқатнинг моддий таъминоти озиқ-овқат маҳсулотлари Бирор кўрсаткичга етишмаслик озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси пастлиги ёки озиқ-овқат етишмаслигига олиб келади. Озиқ-овқат етишмаслиги шундай вазиятки, аҳоли меъерда ўсиш, ривожланиш ҳамда фаол турмуш тарзи учун зарур бўлган хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқатларни етарли миқдорда ололмайди. Озиқ-овқат етишмовчилиги ёки озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси пастлиги аҳоли орасида қониқарсиз озиқланишга олиб келиб, у ўз навбатида одамлар, oilалар ва бутун халқ учун жиддий оқибатларга олиб келади. Миллий даражада озиқ-овқат хавфсизлигига даражасининг таҳлили озиқ-овқат баланси (ООБ) да, яъни мамлакатда озиқ-овқат мавжудлигида акс эттирилади. ООБ муайян даврда мамлакатда озиқ-овқат таъминоти ва инсон истеъмоли учун мавжуд озиқ-овқат миқдори ва уларнинг озуқавий қийматига оид статистик маълумотларнинг ҳисоб-китобларини таъминлайди. Озиқ-овқат балансида озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва импортга оид маълумотлар йиғилган бўлиб, мамлакатда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги шароитини ҳамда мамлакат қай даражада импортга қарамлигини (импортга қарамлик кўрсаткичи) баҳолашга имкон беради[5].

Хулоса. Хуллас қилиб айтганда, Рим декларациясида ўша даврнинг илмий ривожланишини инобатга олган ҳолда озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчасига янги таъриф берилиши. Бунда “озиқ-овқат хавфсизлиги барча одамлар ўз озиқланиш эҳтиёжлари ва шахсий ҳоҳишларига биноан ҳамда фаол ва соғлом ҳаётни таъминлаш учун етарли миқдорда хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига жисмоний ва иқтисодий жиҳатдан эга бўла олиши” белгиланди. Биринчи марта озиқ-овқат етишмаслигининг сабаблари бўлган иқтисодий, ижтимоий, табиий ва иқлимий жиҳатларга боғлиқ бошқа муаммолар билан бирга қашшоқлик муаммоси ҳам кўтарилди. Бундан ташқари, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал қилиш бутун дунё ҳамжамиятининг ягона мақсадга бирлашиши, яъни сайёрадаги ҳар бир инсонни озиқ-овқат билан таъминлаш комплекс ёндашувни ва мувофиқлаштирилган ҳаракатларни талаб этади, деган хулосага келинди.

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи //Халқ сўзи. 2014 йил, 7 июнь. - № 110 (6040).
2. Д.Н.Саидова, И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсунов. “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги”. Ўқув қўлланма. Т.: “ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси” босмахонаси нашриёти, 2016. – 257 б.

3. Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўллари. – Т.: Фан ва технология, 2015. – Б. 16; Б.Э.Мамарахимов. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва саноатини ривожлантириш// Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журналы, № 5, сентябрь-октябрь, 2016 й.

4. Сайдахмедова Н.И. Бозор иқтисодиёти шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва йўналишлари. Монография. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2018.-156 бет.

5. Xudoyqulov Y.K. O‘zbekistonda oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash borasidagi halqaro tajribalar. “Tarixiy tadqiqotlar ilmiy jurnali”. Toshkent. 2024 yil. 161 bet.